



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA  
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI  
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY  
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE  
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53  
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“27” август 2021 й. № 02-06/4148

## **Рекламадан фойдаланувчилар, ижтимоий тармоқ фаол фойдаланувчилари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Замонавий онлайн-бозорда аксессуарлар, электроника, китоблар ва кийим-кечаклар билан бир қаторда катта ҳажмли товарлар, шу жумладан, уй мебеллари савдоси ҳам кенг йўлга қўйилган бўлиб, бу йўналишда интернет ва ижтимоий тармоқларда кўплаб реклама ахборотларини учратиш мумкин.

Бунинг асосий сабаблари сифатида интернетда кенг савдо майдонларининг мавжудлиги ҳамда виртуал савдо орқали товар харид қилишнинг устунлигини кўрсатиш мумкин.

Бироқ, мебель соҳасида етказиб берувчи ҳамда воситачиларнинг ҳаддан зиёд кўплиги ва мижозларга ёмон хизмат кўрсатиш сервисига эга дўконларнинг мавжудлиги харид жараёнини қийинлаштириши мумкин. Истеъмолчининг олдида танлаш учун имконият бўлиши билан бирга, товар нархларини, харид шартларини таққослаш учун кўп вақтни таҳлил жараёнига сарфлашга мажбур бўлади.

Ўз навбатида, шахсий ишлаб чиқариш объектларига эга бўлиш - бу муҳим устунлик. Бироқ, бу ҳолда – корхонада (дўконда) нафақат йиғиш цехи, балки илғор ускуналар билан жиҳозланган тўлиқ ишлаб чиқариш корхонаси, ўз дизайнери ва лойиҳачилари бўлиши керак. Бундай ҳолда, сиз ишлаб чиқариш сифати ҳақида қайғурмасдан, ўз товар белгисига эга бўлган мебель жиҳозларини танлашингиз мумкин бўлади.

Тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан мебель сотиб олишнинг яна бир афзаллиги бу ишлаб чиқарувчининг, стандарт ва кенгайтирилган кафолат турларининг мавжудлигидир.

Интернет тармоғи орқали катта ҳажмдаги товарларни харид қилишда сотувчилар асосан етказиб бериш, йиғиш хизматларини ҳам таклиф этади, камдан-кам ҳолларда харидорнинг ўзи маҳсулотни олиб кетиши мумкин. Шундай экан мебель харид қилишда ўз етказиб бериш хизматига эга бўлган ва буюртмани тўғридан - тўғри ишлаб чиқариш жойидан ёки тарқатиш пунктидан етказиб берадиган сотувчиларга эътибор қаратиш лозим.

Ёдда тутинг, етказиб беришдан ташқари, мебелларни юқори этажларга чиқаришга эҳтиёж туғилиши мумкин. Дўкон сотувчиларидан бу каби шартларни ҳам олдиндан аниқлаштиришни унутманг.

Мебелни йиғиш жараёни ҳам муҳим. Ҳар ким ҳам жавон ёки ошхона мебелини йиғишга қарор қилмаслиги мумкин, айниқса, кафолат муддати бунинг ҳисобига кирмайдиган бўлса, мебелни мутахассислар ихтиёрига топширган маъкул. Миждозларга юқори даражада хизмат кўрсатишга мўлжалланган дўконларда профессионал мебел йиғувчилар гуруҳлари бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблардир.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, Сиздан, товар (иш, хизмат)лар рекламаси орқали мебель харид қилгандан кейин истеъмолчиларда бўлиши мумкин бўлган “харидор афсуси” туйғуларини олдини олиш мақсадида, тавсияларга, уларнинг сифатига, тўлов усулларининг қонунийлигига ва кафолат шартларига эътибор беришингиз ҳамда оқилона танловни амалга оширишингиз тавсия этилади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов